

Абдурахим БОЛТАЕВ,
Бухоро давлат университети доценти,
сиёсий фанлар номзоди

БУХОРОНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

2020 йил «Бухоро ислом олами пойтахти»
тантаналарига бағишланади.

Бухоро «Куббаъатул ислом», («Ислом дини биносининг тоқи»), «Қувватул ислом» («Ислом динининг қуввати»), «Мадинаи фоҳира» («Қиёматда ўз бағрида ётган олимлари ва шаҳидлари билан фахрланадиган шаҳар»), «Шариф» ва яна шу каби кўплаб мақтовли номлар билан аталиб келинган макондир. Бу юртдан етишиб чиққан алломалар номи ҳамон эл ардоғида, жаҳон халқлари эъзозиди. Уларнинг илм-фан ва дин йўлида амалга оширган ишлари нафақат инсоният илм-фани ривожига хизмат қилди, балки ибратли ҳаёт тарзлари инсон камолотининг ёрқин намунаси сифатида халқ хулқ-атвори ва маданиятини шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Ана шундай буюк зотлардан бири, Бухоро дин уламоларининг «кабир»и, яъни улуғи, «Тухфатул зоирийн» асарида айтилганидек, «Ул зот илм ва амалда, қувват ва мужоҳадада, сафойи ҳол ва зухдда, саҳо ва ғазотда ҳамда Аллоҳнинг каломини юксалтиришда олий даражада эдилар», сифатларига эга фақиҳ, халқ орасида танилган Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767 – 832 й.)дир.

Абу Ҳафс Кабир тўғрисида ёзган Абдулкарим Самъоний, Муҳаммад Наршахий каби барча муаллифлар уни ҳурмат билан турли фахрий унвонлар ва номлар билан эслайдилар. У тўғрида турли ҳикоят ва ривоятларни ёзадилар.

Шундай ҳикоятлардан бири машҳур сўфий ва мутасаввиф, бир неча ирфоний асарлар муаллифи Сўфи Оллоёрнинг «Маслакул муттакийн» («Тақводорлар йўли») асарида келтирилган ҳикоядир. Мазкур асарнинг Амир Музаффархоннинг иниси Саййид Мир Сиддиқ учун кўчирилган қўлёзма нусхаси ҳозирда Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг «Қўлёзмалар бўлими»да 27816/11 инвентар рақам остида сақланиб келинмоқда.

Муаллиф келтирган бу ҳикоя заминиди орадан салкам минг йил вақт ўтган бўлсада, унинг ислом оламида, айниқса, маҳаллий аҳоли ўртасида ҳали ҳам катта ҳурмат ва эътиборда эканлиги кўриниб турибди.

Ҳикоя Абу Ҳафсдек ҳалоллик ва поклик рамзи бўлган инсоннинг ортида унинг шу даражага кўтарилишида ёрдамчи бўлган зот унинг покиза эътиқодли, доно маслаҳатчи хотини ётганлиги ҳақидадир. Ҳикоя мазмунини қуйидагича:

Абу Ҳафс Кабирга устози иршод хати бериб, унга Бухорода дин илмларини ёйишга, халққа ваъз-насиҳатлар қилишга ижозат беради. Ижозатни олган буюк фақиҳ уйга келиб, ўз хотини билан маслаҳат тарзида суҳбатлашиб, ўзига бундан буён халққа таълим беришдек улуғ вазифа юклатилганини айтади. У зотнинг хотини ҳам жуда тақводор, ҳалол ва солиҳа аёл бўлган. У эрига лутф билан мулоҳим оҳангда: “Бир ўйлаб кўрингчи, бундан аввал бирон вақт бирон кишининг ҳақини, эгасидан сўрамай, унинг розилигисиз еб қўймаганмисиз?”, деб сўради. Абу Ҳафс ўйлаб кўрди ва ёшлигида бўлган бир воқеа эсига тушиб, уни хотинига айтиб берди: “Мен ҳали бола эдим. Бир кун ўйнаб юриб, бир оташпарастининг кўчасидан ўтиб қолдим. Унинг саройига кирдим. Кўзим саройда турган кўкатга – саримсоқпиезга тушди. Ва бир донга унинг баргидан узиб едим. Сен сўраганингдан кейин бу ёдимга тушди. Бундан бошқа эгасидан сўроқсиз бировнинг ҳақини еганимни эслай олмайман”. Хотини: “Бу саримсоқнинг ҳақи ҳамон сизнинг танингизда экан, ваъз айтганингиз билан халқ сизга эргашмайди. Чунки, сўзингиз суст ва бетаъсир бўлади”, деди.

Бу маслаҳатдан сўнг, Абу Ҳафс ёшлигида борган ўша саройга қараб йўл олди. Сарой эгаси мажусийни топди. Унга бўлган воқеани арз

килиб: “Майли юз дирҳам десангиз ҳам уни сотиб оламан”, деди. Унинг айтганларини индамай эшитган мажусий унга: “Сенга жавобини эртага айтаман”, деб уни қайтариб юборди. Шундан сўнг, у зардуш динига эътиқод қилувчи сарой эгаси ҳам хотинининг ёнига бориб, унга бўлган воқеани айтиб бериб, маслаҳат сўради. Хотини ўрнидан туриб кетди ва эрига шундай деди: “Эй, эр. Бир одам бир саримсоқпиёзнинг бир дона барги учун шунча йиллар ўтиб, шунча жойга келиб, рангини шунча сарғайтириб, сендан розилик тилаб, ҳақини бермоқчи бўлган экан, демакки, у эътиқод қиладиган дин ҳақ дин экан. Маслаҳатим, биз ҳам шу динга ўтсак, тўғри иш қилган бўламиз”. Икковлари Абу Ҳафснинг ёнига бориб, иймонга кирдилар ва исломни қабул қилдилар. У зодагон зардуштийнинг барча дўстлари, таниш билишлари, қариндошлари бу воқеалардан хабар топиб, улар ҳам динга кирдилар. Абу Ҳафс Кабирнинг бу каби олий хулқини кўрган ва эшитган Бухородаги барча зардуштийлар исломни қабул қилдилар.

Бу ҳикояда келтирилган воқеаларнинг умумий моҳиятига эътибор берсак, ҳақиқатдан ҳам Бухоронинг бу буюк фарзанди ислом дини, исломий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қўшга илк ўрта асрларнинг улуғ алломаси бўлиб қолмай, балки ўз жуфти ҳалоли билан маслаҳат қилувчи, у ким бўлмасин, тўғри маслаҳат берса, уни қабул қилувчи буюк қалб соҳиби ҳам бўлган. Шунингдек, Бухоро аёлларининг покиза сиймосини ҳам кўрамизки, мусулмон Абу Ҳафснинг ва зардуштий сарой эгасининг хотинлари маслаҳати билан икки томон ҳам тўғри йўлга кирдилар.

Бу ибратли ҳикояда илгари сурилган ғоялар шунча асрлар ўтса ҳамки, инсониятни ўзига жалб қилиб, улардан ўзига маънавий озуқа олишига сабаб бўлиб келмоқдаки, Бухоро заминида бу каби буюк зотлар жуда кўп ўтган ва биз уларнинг нафақат илмларидан, балки уларнинг қолдирган ахлоқий пандномалари ва ҳаёт тарзларидан ҳам асрлар мобайнида баҳраманд бўлаверамиз.

Асарнинг аслиятига қизиқувчилар учун ҳикояни арабча хатдан табдил қилиб, унинг мазмунини беришни маъқул топдик. Ҳикоят шундай сатрлар билан бошланади:

Ба Абу Ҳафс он имоми кабир,
Ба Бухороки шуд ижозати пир.

Мазмуни:

Буюк имом Абу Ҳафс Кабирга
Пири Бухорода халққа исломни ўргатишига
ижозат берди.

Гуфт аз рўйи машварат бо жуфт,
Яъни, бо халқ ваъз бояд гуфт.

Мазмуни:

У хотини билан масаҳат қилиб, унга
У энди халққа ваъз айтиб, исломга даъват
қилиши кераклигини айтди.

Зани вай бо талаттуфи бисёр,
Арз кард: «Эй, имоми бузруквор!».

Мазмуни:

Унинг хотини унга лутфлар билан
Айтдики, «Эй, улуғ имом!

Қабл аз ин ҳеч вақт аз як шайъ,
Хўрди бе ризои соҳиби вай?»

Мазмуни:

Бундан олдин ҳеч вақт бирон нарсани
Унинг эгаси розилигисиз еганмисиз?

Гуфт: «Дар гўдагеки, мегаштам,
Кўйи оташпарастӣ бигузаштам.

Мазмуни:

Деди: «Бир пайтлар, болалигимда юриб,
Бир оташпарастнинг кўчасидан ўтиб
қолдим.

Хешро бо саройи ў бурдам,
Зў яке барги гандано хўрдам.

Мазмуни:

Унинг саройига кирдим ва
У ердан бир саримсоқпиёзнинг баргидан
олиб едим.

Чун ту гуфти расид дар хотир,
Ғайр аз ин нест чизе дар хотир.

Мазмуни:

Сен айтгач хотирамга келди,
Бошқа нарса хотирамга келмади.

Гуфт: “То барги гандано дар туст,
Нафаси ту ба халқ бошад суст”.

Мазмуни:

Токи, саримсоқпиёзнинг барги сенда экан,
Сениг нафасинг суст бўлади ва халқ сен
айтган гапларга эргашмайди.

Хожа ба сўйи он саро биштофт,
Соҳиби барги ганданоро ёфт.

Мазмуни:

Хожа туриб, ўша сарой томон йўл олди ва
Саримсоқпиезнинг эгасини топди.

Хожа ба ў ки, гуфт арзи дил,
Соҳиби гандано накард баҳил.

Мазмуни:

Хожа унга арзи дил қилиб, воқеани баён
қилди.

Саримсоқпиезнинг эгаси ҳам ҳайдаб
солмай эшитди.

Гуфт Хожа ўро: “Фрўш маро,
Токи ба сад дирам расонад ўро”

Мазмуни:

Хожа айтди: “Уни менга сотинг,
Майли, юз дирхам бўлса ҳам берай”.

Гуфт: “Фардо жавоб хоҳам гуфт”,
Он мажусий бирафт пеши жуфт.

Мазмуни:

У мажусий айтдики, “Сенга эртага
жавобини айтаман”.

Ва у ҳам хотинининг олдига борди.

Сурати ҳолро ки арз намуд,
Жуст аз жойи хеш жуфташ
зуд.

Мазмуни:

У бориб хотинига бўлган бу
воқеани айтиб берди,

Хотини жойидан туриб
кетди.

Гуфт: “Бо барги гандано ин
мард,

Инқадар рўйи хеш созад
зард,

Мазмуни:

Ва эрига дедик, Бу одам
биргина баргни деб

Бу қадар юзини сарғар-
тиряптими, демак

Онча ў рафта аст ҳақ дин
аст,

Дини ўро гузинки кор ин
аст.

Мазмуни:

У эътиқод қиладиган дин ҳақ дин экан,
Энди уни қабул қилсак, тўғри иш қилган
бўламиз”

Чун буромад хуруш зон ду тан,
Гашт олам ба жисмашон равшан.

Мазмуни:

Икковлари оҳу нола чекиб, иймонга
кирдилар,

Иймон нуридан олам уларнинг жисмла-
рини равшан қилгандек бўлди.

Ҳама атбоъи ў ки бишунидан,
Дини ойини пок бигуризидан.

Мазмуни:

Унинг таниш-билишлари, элу хешлари бу
воқеани эшитиб,

Улар ҳам барчалари пок ислом динига
ўтдилар.

Сабаби тарси он бузруги даҳр,
Як мажусий намонд дар он шаҳр.

Мазмуни:

Дунёнинг бу улуғ инсони бировнинг
ҳаққидан ва Ҳақдан қўрққани сабаб бўлиб,

Бухоро шаҳрида бирон оташпараст қолмай
барчалари мусулмон бўлдилар.

